

ОТА-ОНАЛИККА ТАЙЁРЛИК

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



Тошкент-2025



ОТА-ОНАЛИККА ТАЙЙОРЛИК

**M. QURONOV, X.
ABDURAMANOV**



Toshkent-2025

М. Қуронов, Х. Абдураманов

ОТА-ОНАЛИККА ТАЙЁРЛИК [Матн] : услубий қўлланма / М. Қуронов, Х. Абдураманов,
- Тошкент: “Маҳалла ва оила” нашриёти, 2025. - 48 б.

Масъул муҳаррир:

Н. Эгамбердиева - Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти директори,
педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Ҳ. Жабборов - психология фанлари доктори (DSc), доцент,
Ш. Мардонов - педагогика фанлар доктори, профессор

Бола тарбияси - жуда мураккаб ва масъулиятли, аниқ, ширин натижалар берувчи иш. Бу эса ҳар бир ота-онадан ўз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча маълумотлардан хабардор бўлиб боришни талаб этади. Тарбия ўз-ўзидан бўлиб кетаверадиган иш эмас. У ўз ичига педагогик, маънавий-ахлоқий, тиббиёт, эстетика, психология, иқтисодиёт каби соҳаларга оид билимларни қамраб олади. Ҳозирги глобаллашув даврида ёш ота-онанинг бу билимларни билиши боланинг келажаги қандай бўлишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бугун сизлар билан жуда муҳим ва долзарб муаммони муҳокама қиламиз. Бунини «Биз ўғилларимизни - оталикка, қизларимизни - оналикка тайёрлашни биламизми? Йигит-қизлар ота-оналикка қандай тайёрланишлари керак?», деган саволлар билан белгилаймиз.

Саволлар жиддий. “Ота-оналикка тайёргарлик” тушунчаси бир нечта йўналишларга эга. Йигит-қизлар “Мен ота-оналикка тайёрман», дея олишлари учун бир нечта талабларга жавоб беришлари керак. Ушбу китобча бўлажак келин-куёвларга, бўлажак ота-оналарга ана шу саволларга жавоб беришга ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

Услубий қўлланма Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти Илмий кенгашининг 2025-йил ___-февралдаги __-сонли баённомасига мовофиқ нашрга тавсия этилган.

© Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти, 2025

© “Маҳалла ва оила” нашриёти, 2025



КИРИШ

Ота-оналик нафақат одам ҳаётининг муҳим, узоқ давомли босқичи, балки жамият олдидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Болаларнинг камолотига қаратилган эътибор ҳар бир оиланинг келажагини белгилайди. Ота-оналар фарзандлари учун қадриятларни авлодларга етказувчилари, маънавий ва ахлоқнинг асосий устунларидир. Шунинг учун ҳам ота-оналик жуда катта масъулиятни талаб этади.

Ёшлар учун оила қуришдан аввал уни тўғри режалаштириш жуда муҳимдир. Бу жараён нафақат уй-жойни, тўйга тайёргарликни, балки руҳий, маънавий тайёргарликни ҳам талаб қилади. Оилани тўғри режалаштириш орқали ёшлар барқарор ва бахтли турмушга эришишлари мумкин. Бу нафақат уларнинг шахсий ҳаётига, балки фарзандларининг ривожланишига ва жамиятнинг умумий фаровонлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Ушбу китоб ота-оналикка тайёргарлик борасида ёшларга амалий маслаҳатлар ва илмий ёндашувларни тақдим этишни мақсад қилади. Китобда оилани режалаштиришдан тортиб, болалар тарбияси, ота-оналик масъулияти, оиладаги муносабатлар ва замонавий давр талабларига мос йўл-йўриқлар баён этилади. Шунингдек, китоб ўзини ота-она сифатида ривожлантиришга интилаётганлар учун ҳам фойдали ресурслар ва маслаҳатлар манбаси бўлиб хизмат қилади.

Мазкур китоб нафақат янги оила қуриш арафасидаги ёшлар, балки фарзанд тарбиясига аллақачон қадам қўйган ота-оналар учун ҳам манфаатли қўлланма бўлади, деган умиддамиз.

ҲУРМАТЛИ ЁШ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР!

Келажакда бахтли оила қуриш ва ширин-шакар фарзандларга муносиб ота ва она бўлиш, уларга муносиб тарбия бериш учун тайёргарликни ҳозирданоқ бошланг!




ХУЛОСА

Ота-оналикка тайёргарлик инсон ҳаётидаги энг масъулиятли ва муҳим жараёнлардан бири. Бу жараён жисмоний, руҳий, ижтимоий ва молиявий жиҳатларни қамраб олади. Ота-оналар нафақат фарзандининг келажаги учун жавобгар, балки жамиятнинг барқарор ривожланишида ҳам муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли ёш жуфтликлар оила қуришдан олдин ва фарзандли бўлиш арафасида ота-оналик масъулиятини чуқур англашлари, илмий ва амалий билимларга эга бўлишлари лозим.

Фарзанд тарбияси нафақат ота-онанинг меҳр-муҳаббатига, балки уларнинг билимдонлиги, тарбия жараёнига онгли ёндашишига боғлиқ. Чақалоқ туғилишидан олдин ота-оналар унинг хонасини тўғри жиҳозлаш, хавфсиз муҳит яратиш, соғлом овқатланиш ва гигиеник шароитни таъминлаш бўйича тайёргарлик кўришлари керак. Шунингдек, бола тарбиясида замонавий технологияларнинг ўрни, ижобий ва салбий жиҳатларини англаш, болалар билан мулоқот қилиш ва уларни илмий асосда тарбиялаш ота-оналарнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ота-оналар фарзандининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун доимий равишда ўз устида ишлашлари, шахсий ривожланиш ва касбий ўсишга эътибор беришлари лозим. Уларнинг иқтисодий саводхонлиги, вақтни тўғри бошқариш кўникмалари, ижтимоий ва эмоционал барқарорлиги оилавий фаровонлик ва бахтнинг асосини ташкил этади. Фарзанд тарбиясида ота ва онанинг тенг шерик сифатида иштирок этиши, масъулиятларни тақсимлаши боланинг соғлом ва баркамол шахс сифатида шаклланишига хизмат қилади.

Оила ичидаги мулоқот тамойиллари ва низоларни оқилона ҳал қилиш усулларини ўрганиш ҳам мустаҳкам оилавий муҳит яратишда муҳим аҳамият касб этади. Соғлом оила қуриш нафақат ота-она ва фарзандлар учун, балки жамиятнинг умумий тараққиёти учун ҳам катта аҳамиятга эга. Ахлоқий қадриятлар, ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамкорлик оилавий ҳаёт барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидандир.



Шунингдек, ХХИ асрнинг бўлажак ота-оналари замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, болаларининг билим олиш жараёнини қўллаб-қувватлаш ва уларга ижтимоий-эмоционал жиҳатдан таянч бўлиш қобилиятларига эга бўлишлари зарур. Улар болаларнинг иқтидорини ривожлантириш, уларни мустақил фикрловчи ва ижтимоий масъулиятли шахс сифатида тарбиялаш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари керак.

Мазкур услубий қўлланма ёш жуфтликларга ота-оналик масъулиятини чуқур англаш, оилавий ҳаётни режалаштириш ва фарзанд тарбиясида илмий ёндашувларни қўллашда амалий маслаҳатлар беради. Ушбу билимлар оилавий ҳаёт барқарорлигини таъминлашга, фарзандларнинг соғлом ва бахтли ўсишига кўмаклашади. Зеро, ҳар бир ёш жуфтлик ўз оиласини мустаҳкам қуриш, фарзандларини баркамол тарбиялаш ва оилавий ҳаётнинг ҳар бир босқичида масъулият билан ёндашиш учун олдиндан тайёргарлик кўриши лозим.



МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Турмуш қуришнинг асосий мақсадлари.....	4
2. Йигит ва қизнинг оила қуришга тайёргарлиги қандай бўлиши керак?..	8
3. Ота-оналикка маънавий, жисмоний, руҳий ва молиявий тайёрлик	12
4. Болалар тарбиясида тенг шериклик.....	23
5. Соғлом мулоқот тамойиллари.....	24
6. Низоларни ҳал қилиш.....	25
7. Ёш оилаларнинг ахлоқий тамойиллари.....	26
8. Бўлажак ота-оналар замонавий технологиялар ва болалар ҳақида нималарни билишлари керак?.....	27
9. Бахтли оила қуришнинг йўллари.....	29
10. ХХИ асрнинг бўлажак ота-оналарига талаблари.....	31
11. Оила қурмоқчи бўлаётган ёшларга эзгу тилаклар.....	33
12. Ота-оналик арафасида: чақалоқнинг хонаси, унга олинадиган буюмлар...35	
14. Ёш ота-оналарнинг шахсий ривожланиши.....	43
Хулоса.....	56



OTA-ONALIKKA TAYYORLIK



**M. QURONOV, X.
ABDURAMANOV**

**“Mahalla va oila” nashriyoti
Toshkent - 2025**

Nashr uchun mas'ul: **B. Mavlonov**
Muharrir: **U. Yunusov**
Badiiy muharrir: **F. Sobirov**
Sahifalovchi: **L. Abdullayev**

Nashriyot ro'yxat raqami № 1043191. 24.09.2021-y.
Bosishga ruxsat etildi: 15.01.2025-y.
“Mozer” garniturası. Qog'oz bichimi: 70x100
Nashriyot bosma tabog'i 1,2.
100000, Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani,
M. Ismoilov ko'chasi 1-G uy.



OTA-ONALIKKA TAYYORLIK

Nashriyot ro'yxat raqami № 1043191. 24.09.2021-
y.

Bosishga ruxsat etildi: 15.01.2025-y.
“Mozer” garniturası. Qog'oz bichimi: 12x20
Nashriyot bosma tabog'i 1,2.
100000, Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani,
M.Ismoilıy ko'chasi, 1-G uy.